

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги туғилган болаларнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтганлар



12:30 / 19.11.2019 9813

Янги туғилган боланинг қулоғига азон ва такбир айтиш ота-онанинг бурчи, боланинг ҳаққидир.

Азон илоҳий мадҳия экани барчага маълум. Бу ишнинг фазли қанчалар улуғлигини ҳамма яхши билади. Азон айтилган жойда барака бўлади, азон айтилган жойдан шайтон қочади. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги туғилган болаларнинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтганлар ва умматларига шундай қилишни тавсия қилганлар. Янги туғилган боланинг қулоғига азону такбир айтишда гўзал рамз ва маъно бор. Унда, бу бола янги туғилди, ҳали қулоғига ҳеч қандай

овоз киргани йўқ. Унинг қулоғига дастлаб кирадиган овоз «Аллоҳу Акбар!» бўлсин, илоҳий мадҳия бўлсин, токи бу бола доимо яхши овозларни, улуғ сўзларни эшитиб юрсин, деган орзу-умид бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари болаларнинг қулоғига азон айтганлар.

نَسَخَ لِنَدْوَى فِيهِ الصَّلَاةَ نَدْوَى هَلْ لَوَسَّرْتُ يَأْرَ: لَأَقُوهُ نَعُهُ لَلِإِيضَ رَعْفَارِ يَبْأَنْعَ
يَذْمُرُّتْ لَوَادُ وَبْأَوْرَ. ةَمَطَافُ وَتَدَلَّوَنِي حِيْلَ عَنُوبِ

Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фотима розияллоҳу анҳо Ҳасан ибн Алини туққанида унинг қулоғига намознинг азонини айтаётганларини кўрдим».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, янги туғилган фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома айтмоқ мандубдир. Янги туғилган боланинг қулоғига кирган биринчи нарса Аллоҳнинг зикри бўлиши қандай ҳам яхши. Албатта, бу улуғ нарсанинг ўзига яраша баракаси бўлади.

Бундан ташқари, боланинг қулоғига азон ва иқома айтишнинг яна бир ҳикмати бор.

يَفَمَاقُأُو، يَنْمُؤِيْلَ هُنْدُأُ فِي نَدْوَى دَلْوَهُ وَدَلْوُ نَمَ: هَلْ لَوَسَّرَ لَأَقُ: لَأَقِي نَسُحُ نَعُ
يَلْغِي وَبْأَوْرَ. نَأْيُ بِّصَلِّ مَأُ هُرُّضُتْ مَلْ، يَرْسُيْلَ هُنْدُأُ

Ҳусайндан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг боласи туғилса-ю, унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига иқома айтса, унга Умму Сибён зарар етказа олмас», – дедилар».

Абу Яъло ривоят қилган.

«Умму Сибён» болаларга зиён етказадиган жин тоифасидир. Унинг қиладиган иши гўдакларга зарар етказишдан иборат. Аммо боланинг қулоғига азон ва такбир айтиб қўйилса, мазкур жин болага зарар етказа олмай қолади. Бунинг устига, азон ва такбир боланинг қалбига, бутун вужудига яхши таъсир қилишидан умидворлик ҳам бор.

«Бахтиёр оила» китобидан